Диагностика. Анемия, лейкопания, α ва β протеидлар ҳамда ТТГ микдорининг конда ошиб кетиши ва кондаги умумий T_4, T_3 оксил билан бириккан йод микдорининг камайиши характерли.

Диагностика қилишда юқорида қайд қилинганидек тиреоид гормонлар марказий нерв системасининг ва бутун организмнинг нормал ривожланиши учун энг зарур биологик омил эканлигини назарда тутиш лозим. Постнатал даврда тиреоид гормонлар етишмовчилиги болаларнинг жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишига ва баъзан оғир даражали критинизм ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабдан тугма гипотирозни диагностика қилишга батафсилроқ тўхтаб ўтиш лозим. Туран даражали гипотирозга чалинган чақалокларда физиологик курсаткичлар соғлом болалар курсаткичларидан фарқ қилмайди (тана вази ва буй узунлиги).

Чақалокларда куйидаги симптомлар: кийин нафас олганида, цианоз, гипербилирубинемия ва сариклик бир хафтадан кўп давом этса тугма гипотирозга эҳтимол қилинади. Бундай болалар одадагидан кўра анча тинч (летаргия), кам йиғлайди, яхши эммайди, овози паст-хириллаган бўлиб, тили нисбатан катталашган, тез-тез қабзият кузатилади. Олдинги лиқилдоқ анча катта, орқа лиқилдоқ эса очик, гипорекфлексия – кучайган, танага нисбатан кўл-оёқлари – катта; айрим ҳолларда эса периорбитал шиц; бурни эгарсимон, кўзлари кенг бўлади.

Чақалокда бундай аломатларнинг бўлиши, уларни анча чуқурроқ қўшимча лаборатория текширишлар ўтказишга тўғри келади. Сон суягини рентгенография қилганда дистал ва проксимал эифиз қисмида суякланишнинг бўямаслиги чақалокларда гипотироз борлигидан далolat беради.

Болаларда гипотироз касаллигининг клиник кечиш хусусиятлари:

- Эндокрин касалликларидан гипотироз болаларда нисбатан кунрок учрайди.
- Тугма гипотирозда касаллиқнинг асосий симптомлари болани кукрак сугидан айирган даврда пайдо бўлади (тахминан 6 ойлик даврдан кейин).
- Гипотирозга чалинган болалар жисмоний, актив ва жинсий ривожланишдан орқада қолишади.

Гудак ёшидаги болалар бошини тутини, юриши, тишлар чиқиши уз вақтидан кечикади. Сурункали қабзият бўлганлиги учун қорин хажмига катталашган ва олдинга бироз чиқган бўлиб қиндик чурраси пайдо бўлади. Суяклар ўсishi бузилган, найсимон

Медикаментоз даволаш учун курсатма бўлиб касаллиқнинг енгил формалари, калконсимон безининг 1-2 дар. катталашини, ўртача оғир формаларида агар бемор 4-6 ой давомида касаллиқнинг асосий симптомлари камаймаса операция учун хирургга топширилади.

Букок туш орти соҳаларида жойлашини, ҳомиладорлик, эмгизин даври, қонда лейкопения ва нейтропения ҳолатларида медикаментоз терапия яъни тиреостатик препаратлар тавсия қилинмайди.

Антитиреоид препаратлар билан даволаш ҳар бир бемор учун индивидуал олиб борилиши лозим. Касаллиқнинг енгил ва ўртача оғир формаларида 20-30 мг (2 таб. 10 мг дан 2-3 марта бузурилади, калий перхлорат 0,25 г дан 2-3 мартага, касаллиқнинг ўртача оғир ва оғир формаларида эса мерказонил 2 таб (10 мг) дан 3-4 мартага, баъзан суткалик дозаси 60 мг. гача бузуриш тавсия қилинади. Бундай препаратлар ёрдамида беморларни 1-1,5 ҳафта давомида эутиреоид ҳолатига чиқариш имкони бўлади, яъни тиреотоксикознинг асосий аломатлари йуқоқда бошлайди. Шундан кейин препарат дозаси камайтирилиб ушлаб турувчи дозга ўтказилади (5-10мг дан кунига 1 марта) радиодиагностика текширишдаги мусбат натижалар ва без ўлчамининг кичрайиши препаратларни тулик тўхтатиш учун курсатма бўлиб ҳисобланади.

Тиреостатик препаратларни узок муддатда қабул қилиш оқибатида терида тошмачалар пайдо бўлиши, диспептик ҳолатлар ёки периферик қонда лейкопения ривожланиш аломатлари кузатилиши мумкин. Лейкопения пайдо бўлса препарат вақтинчалик тўхтатилади ёки дозаси камайтирилади.

Антитиреоид препаратларнинг зобоген таъсир қилмаслиги учун даволаш комплексига тиреоиди ёки трийодтиронин гидрохлорид камрок дозада ички учун тавсия қилинади. Агар беморларда юрак томир системаси томонидан бузилиш кузатилса юрак гликозидлари, калий препаратлари бузурилади. Өзигиланиш бузилган бўлса анаболик гормонлар - 5 мг перабон ёки ретобонни 1 мл дан кунига бузурилади.

Диффуз токсик букок касаллигини комплекс даволашда иммуномодулятор препаратларни (активин, тималин) қўллаш жуда яхши наф беради. Даво натижаларини назорат қилиш қондаги тиреостимулятор антигелалар миқдорини аниқлаш муҳим курсаткич бўлиб ҳисобланади.

БОЛАЛАРДА ГИПОТИРЕОЗ

Гипотиреоз касаллиги калконсимон безнинг гипофункцияси ва конда тиреонд гормонлар миқдорининг камайиши билан характерланадиган касаллик бўлиб хисобланади.

Бошқа эндокрин касалликларга нисбатан бу касалликнинг салмоғи бироз қўлайиб бориши қайд қилинмоқда.

Касаллик курак эсларда қайд қилинади

Этиологияси. Келиб чикиш механизми буйича гипотиреоз бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Бирламчи (тиреонен) гипотиреозда патологик жараён калконсимон безда жойлашган бўлади. Иккиламчи гипотиреозда эса гипоталамо-гипофизар системада жойлашган бўлади.

Бирламчи гипотиреоз келиб чикиш сабаблари: 1) тиреонд гормонлар биосинтезидаги ирсий нуқсонлар, 2) эмбрионал ривожланишдаги нуқсонлар калконсимон безнинг гипо ёки алазияси, 3) калконсимон безнинг инфекцияли яллиғланиши оқибатидаги дегенератив ўзгаришлар, 4) субтотал ёки тотал тиреонидэктомия, 5) радиактив йод билан даволаш, 6) рак метастазлари ёки сурункали инфекциялар (туберкулёз, сифлис) оқибатида келиб чикиши мумкин.

Иккиламчи гипотиреоз гипоталамо-гипофизар системанинг зарарланиши оқибатида келиб чиқади (Шихана синдроми, гипофизнинг тузма ривожланмаслиги ва х.к.)

Патогенези. Бирламчи гипотиреоз келиб чикиш механизми калконсимон без тўқималарининг вази камайиши ва ўз навбатида антитиреонд препаратлар ёки организмда йод етишмовчилиги таъсирида тиреонд гормонлар синтезининг тормоқланиши билан асосланган бўлади. Иккиламчи гипотиреозда эса тиреонд гормонлар ва тиреотропиннинг инкретсияси камайиши билан бирга калконсимон бездан келадиган гормонлар миқдори ҳам камаяди. Патижада организм тўқималаридаги оксидланиш ва термогенез жараёнлари бузилади, бу эса ўз навбатида организмда ҳамма модда азмалиниuvi жараёнининг издан чикишига олиб келади. Организмда оксидланиш жараёни ва оксидлар синтезининг бирдан камайиши болаларнинг ўсишдан орқада қолишига сабаб бўлади.

Вегетатив нерв системасининг бузилиши, турли хил орган ва системалар фаолиятининг ўзгаришига олиб келади (брадикардия, тер ажратиш функциясининг камайиши, ошқозон-ичак тракти моторикасининг сусайиши).

Классификацияси. Гипотиреознинг оғирлик даражасига қараб енгил, ўрғача оғир ва оғир формалари фарк қилинади.

Болаларда гипотиреоз қуйидагича тасниф қилинади:

1. Бирламчи гипотиреоз:

- 1) Калконсимон безнинг алазияси, гипоплазияси ва эктопияси.
- 2) Орттирилган гипотиреоз
- 3) Тиреонд гормонлар биосинтезидаги генетик нуқсонлар
- 4) Эндемик критинизм

2. Иккиламчи гипотиреоз:

- 1) Гипоталамус ва гипофиз ўсмалари.
- 2) Гипоталамус ва гипофиздаги яллиғланиш жараёни.
- 3) Тиреотронин махсулотининг идиопатик етишмовчилиги.
- 4) Тиреотрониннинг ирсий етишмовчилиги.

Клиникаси. Касаллик одатда аста-секин бошланади. Беморлар умумий дормонсизликка, тез чарчаб қолишга, уйқусизликка, эслаш қобилиятининг сусайишига, мушакларда оғрик бўлишига, кабзиятга, иштаханнинг пастлигига шикоят қилишадилар.

Касалликка чалинган беморларнинг ташқи қўриниши жуда характерли бўлиб, юзлари нисбатан шишган, териси оқимтир- сарғиш ранда, ёшига нисбатан қаттарок ва

Кейинги йилларда, организмга керакли булган айрим микроэлементларнинг, шу жумладан бром, цинк, кобальт, мисни кам қабул қилиш, ҳамда фтор, хром, калий, марганец элементларининг ортақча тушуши ҳам эндемик зобнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга эклиги катор муаллифлар томонидан кўрсатилиб келинмоқда.

Айрим олик-оқки мисал топилар таркибида йоднинг ортлик йодга айланishiда йодсинтез қилинадиган зоботел моддаларнинг (перхлорат, тиомотешина, тиоуронин) роли ҳам жуда муҳим.

Ирсий омиллар, кўнчалик авлодада буюк бўлиш оилادا учрашш ёки бошқа тўзма дефекти булган болалар сонининг кўлиги катор салкикогчилар томонидан тақидланиб келинган.

Патогенези. Йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликларининг келиб чиқиши механизмини тушуниш учун организмда йоднинг ўзлаштирилишини яхши тасавиур қилиш лозим.

Ташқи муҳитдан тушган йод молекуласи организмда калконсимон без томонидан ушлаб қолилади ва тиреоид гормон синтези учун сарфланади.

Коп зардобидати йод бирикмалари (KI, NaI) калконсимон бездаги ферментлар таъсирида молекуляр йодгача оксидланади ва тирозин билан бирикиб МИТ (монойодтирозин) ва ДИТ (диойодтирозин) ҳосил қилади. Кейинчалик оксидланиш шароитида трийодтиронин (Т₃) ва тетраойодтиронин (Т₄) га айланади.

Организмда йод танқислиги тиреоид гормонлар секретиясининг сусайишига олиб келади. Катта боғланиш принципи бўйича қонда тиреоид гормонлар микјорининг камайиши гипофизда тиреоид гармонлар секретиясини стимуляция қилади. Тиреоидроини калконсимон безда гормонлар ҳосил бўлишини кучайтиради ва калконсимон без тўқималарининг компенсатор гиперплазиясини чақиради.

Қисқа муддатла буюқини катталашини, безда қисталар пайдо бўлиши ва тугуларнинг ривожланиш механизми тулигича ўрганилмаган. Буида гормонопоз асаб томонидан бошқарилиши ва калконсимон без паренхимасининг гиперплазияси муҳим аҳамиятга эга. Булардан ташқари узок муддатла йод танқислиги, қайтмас ферментатив жараёнлар бузилиши ҳужайралар цитолизини чақириб, аутоантген ҳосил бўлишига ва кейинчалик аутоиммунизация жараёни билан асосланган ядли танишларга сабаб бўлиши мумкин.

Классификацияси. Ҳозиргача 1961 йида йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликлари муаммосига бағишланган халқаро эндокринологлар конгрессида қабул қилинган тасниф қўлланилиб келинмоқда.

Бу тасниф бўйича эндемик ва спорадик буюқ калконсимон безнинг катталашини даражаси бўйича (0, I, II, III, IV, V), клиник шакли (диффуз, тугули, аралаш), функционал ҳолати (эутиреоидли, гипотиреоидли ва критинизм аломатлари) бўйича ажратилади. Тугули буюқ кучли тиреотоксикоз белгилари билан кечса, алоҳида шакли калконсимон безнинг токсик аденомаси дейилади.

Калконсимон без жойлашиши бўйича кўк орғи, халқасимон буюқ, дистопиялашган буюқ (тил илдизи буюқи, қўшимча калконсимон без булаганида) тафовут қилинади.

Калконсимон без катталашини III даражаси ва ундан катта даражалари буюқ дейилади. Агар калконсимон без I-II даражада катталанишида тугуи бўлсагина буюқ дейилади.

Клиника. Касалликнинг клиник аломатлари калконсимон безнинг катталашини даражаси ва функционал фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ булган маҳаллий ва умумий симптомлар билан намоён бўлади. Одатда эндемик буюқ аста – секинлик билан бир неча йиллар давомида



ривожланади. Бемор ўзининг касаллигини деярли сезишмайди. Кўпчилик ҳолларда умумий профилактик кўрик пайтида бошқа биронта касаллик туфайли врачга мурожаат қилиб боришганида ёки атрофдагилар эътибор қилган ҳолларда аниқланади.

Касалликнинг дастлабки этапларида носпецифик шикоятлар яъни умумий қувватсизлик били оғриқи, иштакта ёмондалиқнинг, хотира сусайиши, зорак соҳасида ноқулайлик ҳис қилиши пайдо бўлади. Кейинчалик буюк қатталаш натижасида бўйин соҳасида ноқулайлик ютулганда қалайли ҳисси каби шикоятлар характерли. Қалқонсимон без тўқимасининг ўсиши бўйича Диффуз, тугунли ва аралаш буюк тафовут килинати. Тугунли буюк қалқонсимон безга ўсмасимон тўқима пайдо бўлиши билан характерланади. Бунда думалок шаклдаги ҳар хил ўлчамли тугун пайпасланади, қалқонсимон безнинг қолган қисми пайпасланмайди. Диффуз буюкка қалқонсимон без бир хил текис қатталашган. Агар қалқонсимон без диффуз қатталашган бўлиб уила тугунча пайдо бўлса аралаш буюк деб аталади.

Қалқонсимон безнинг функционал фаолиятининг ўзгариши бўйича эндемик буюк гипер-, гипо- ва эутироид турлари тофовут килинади. Йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликлари, асосан яъни 70-80% ҳолларда эутиroidли кечади. Айрим тадқиқотчилар фикрича эндемик буюкнинг келиб чикиши механизми асосида қонда тиреоид гормонлар микдорининг пасайиши ётади ва шу сабабдан ҳам эндемик буюк гипотиреоз билан кечади.

Эндемик ўчоқ бўлган ҳудудларда кўпинча қалқонсимон без аленомаси ёки тугунли токсик буюк анчагина тиреоидоксикоз клиник аломатлари билан намоян бўлади.

Қамдаи-қам ҳолларда гипотиреоз критинизм клиникасида кузатилиши мумкин. Критинизмнинг учта тип тофовут килинади: критин, ярим критин ва критинондлар.

Йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликлари атрофдаги нерв ва томирларнинг қисилиши билан боғлиқ асоратлар кузатилиши мумкин. Қон айланишининг механик қийинлашиши, зорак ўнг ярим тиреорфункцияси ва кенгайтишига олиб келади, натижада «буюк юраги» ривожланади.

Диагноз. Йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликлари эндемик ўчоқ ҳисобланган ҳудудларда яшайдиган одамларда қалқонсимон бези қатталашинига асосланиб диагностика килинади.

Касалликни Диффуз токсик буюк, аутоиммунли тиреоидит ёки қалқонсимон без ёмон сифатли ўсмалари билан дифференциал диагностика утказишда кийинчилик бўлиши мумкин.

Қачонки қатта сшдаги одамларда йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликлари кордиосклероз ва ҳилпилловчи аритмиялар ёки невралгия аломатлари билан бирга Диффуз токсик буюкни тафовут қилиш учун қўшимча текшириш усулларидан фойдаланилади, яъни рефлексометрия, қондаги тиреоид гормонлар микдорини аниқлаш қалқонсимон безини сканограмма қилиш ва бошқ.

Аутоиммунли тиреоидит учун буюкнинг нисбатан қаттиқроқ бўлиб, тугунларнинг ҳар хил шакллари қўлга пайпасланиши характерли.

Қалқонсимон безнинг ёмон сифатли ўсмалари учун буюкнинг қисқа муддатда тез қатталаниб кетиши, безнинг қаттиқлиги ва ҳаракатчанлигининг чегараланиши регионлар лимфатик тугунларнинг қатталаниши ўсма тўқималарида J^{131} ютилиши сусайиши энг характерли симптомлар бўлиб ҳисобланади.

Профилактика. Йод этишмовчилиги ҳолати ва касалликлари профилактикасининг учта тури мавжуд: 1) оммавий, 2) туруҳли 3) индивидуал оммавий профилактикада аҳоли истеомол қиладиган озик-овқат маҳсулотлари таркибига қўшимча каллий йодид бериш тавсия қилинади. Организмда тахминан 90% йодни озик-овқатлар билан, 10% ини эса сув билан тушади. Шу сабабдан (Европа мамлакатларида, Россия, Америка ва бошқа мамлакатларда) истеомол қиладиган ош тузини, нони (Австралия, Голландия), истеомол қиладиган ёғни (Жанубий Америка) йодлан ёки йод

препаратларини қабул қилиш йўлга қўйилган йодланган туз билан таъмин қилишда бир тонна тузга 25г калий йодид қўшилади.

Гуруҳини профилактикада аҳолининг айрим гуруҳини бешта антиструмин, йодид 100-200 каба йод препаратлари билан таъмин қилинади. Болалар, ҳомиладор ва эми тувчи аёлларга антиструмин берилади. Бу ерда, таркибда 1мг калий йодид бўлган антиструмин ҳафтада 1-2 марта қабул қилиш учун буюрилади (1 таб. антиструмин таркибда 1мг калий йодид бора).

Таъминоти. Эндемик ёки спорадик бўқоқни даволаш калкоксимон без ҳажмининг катталигини даражасига боғлиқ калкоксимон безнинг I-II даражадаги катталанишида ва эндемик бўқоқнинг III даражасида йод препаратларини буюриш старли бўлиб ҳисобланади. Антиструмин 1 таб. кунига 3 ойгача, агар клиник эффект кутилса кейин ҳафтада 1 табдан 2 марта қабул қилиш учун тавсия қилинади. Диффуз бўқоқнинг эутиреоз ёки гипотиреоз билан кечадиган III-IV даражаларида калкоксимон без гормон препаратлари буюрилади. Тиреондин дастлаб кам дозада суткасига 50 мг дан, кейинчалик эса ҳар 2 ҳафтада 50 мг дан ошириши мумкин. То эутиреод ҳолатга эринилгангача ўртача даво курси 100-200 мг дан 6-12 ойгача давом этади. Бир йил давомида ўтказилган гормон препаратлар билан даво курси наф бермаса кейинги даволаш мақсадга мувофиқ эмас.

Агар йод етishимовчилиги ҳолати ва касалликларида калкоксимон без жуда катталаниб кетса, туғунли ёки аралаш бўқоқ бўлса, без атрофидан органларни кисиб қўйса оператив даво тавсия қилинади.

ЎЗ – ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТЛАРДАН НАМУНАЛАР

1. Калконисимон без тuzилишини курсатувчи текширув методини санаб утиш:
 - a) *Радиоактив йод ердамида калконисимон без сканнограммаси.
 - b) Оксисупраренография.
 - c) Радонизотоп сцинография.
 - d) ЭКГ.
2. Даволанмаган диффуз токсик букоқнинг асоратини курсатинг:
 - a) *Тиреотоксик криз.
 - b) Уткир апендицит.
 - c) Гипотиреонд кома.
 - d) Эндокрин офталмопатия.
3. Енгил йод етишмовчиликнинг кун учрайдиган клиник куришиларини айтинг:
 - a) *Букок.
 - b) Экзофтальм.
 - c) Тиреондизит.
 - d) Тиреотоксикоз.
4. Эндемик тона аҳолиси қуйдагилардан қайси бирини истеъмол қилганда букокка қарши профилактика оммавий деб ҳисобланади?
 - a) *Йодланган туз.
 - b) Тиреондин.
 - c) Йодланган ун.
 - d) Йод препаратлари.
5. Одам организми учун йоднинг асосий манбаси:
 - a) *Озик - овқатлар.
 - b) Хаво.
 - c) Сув.
 - d) Мевалар.
6. Диффуз токсик букоқни даволашда қуйида келтирилган препаратлардан қайси бири қўлланилади?
 - a) *Мерказолил.
 - b) Тиреондин.
 - c) Трийодтиронин.
 - d) Преднизолон.
7. Диффуз токсик букоқнинг ривожланишида қуйида келтирилган омиллардан қайси бири шитроқ этмайди:
 - a) *Совук катини.
 - b) Хомилдорлик ва аутоиммун процесс.
 - c) Жисмоний жароҳат.
 - d) Ирсий омиллар.
8. Букокка нисбатан эндемик зонада усмир ёнлагиларга профилактик мақсадда йодланган туздай ташқари берилди:
 - a) *Литиструмин, йодид ва бошқа йод тутувчи препаратлар.
 - b) Витаминлар.
 - c) Тиреондин.
 - d) I. - тироксин.
9. Бирламчи гипотиреознинг «шикоб»лари:
 - a) *Ут-тош касаллиги.
 - b) Аллопеция.
 - c) Микседематоз делирийлар.
 - d) Артериал гипотензия.

суяклар кенгайган ва қисқарган бўлади. Катта экилдоқ кеч битади, баъзан 9-10 ешгача ҳам очик бўлиши мумкин. Тугма гипотиреозга чақинган болаларда жинсий безлар фаолиятининг ривожланиши ва иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши ҳам кечикади.

Диагностик синамалар Гипотиреоз касаллигини диагностика қилиш учун қонда ТТГ ва СБТ¹ умумий тироксин миқдори (ТТ) асосий аломатинини аниқлаш асослари ва радиоэлемант текшириш синамалари қўлланилади. Гипотиреозда СБТ миқдори қонда 40 мкг/дан камайган бўлади.

Тиротропин билан синама. Бу синама қўйилмач бир кун олддан калконишмон безда йод сўрилиши аниқланади. Иккинчи кун эса тери остига 10 бирликда тиротропин юборилади, кейин йод сўрилиши такрор текширилиб курилади. Ўнламли гипотиреозда йод сўрилиши ўзгармайди, иккиламчи гипотиреозда эса 50% га ошади.

Асосий аломатининг бу касалликда бироз есаёйган (нормада 10% дан ошмайди) бўлиши жуда характерли.

Диагноз ва дифференциал диагноз Касалликнинг диагнози унинг клиник аломатларига, лабораторик синамалар натижаларига ҳамда қондаги тироксинемияга асосланиб қўйилади.

Бу касаллик Даун касаллиги, Усиндан орқада қолувчи касалликлар (рахит, гипофизар нанизм, хондродисрофия), сурункали нефрит, каби касалликлар билан дифференциал диагностика қилинади.

Даун касаллигида кўзларининг қисқалиги, кўз ташқи бурмақларининг бироз кўтарилиб туриши хос белгилар бўлиб, теридаги шивлар кузатилмайд.

Рахит учун суяклардаги рахитик ўзгаришлар характерли бўлиб, интеллект сақланган, жинсий органлар ривожланиши мутадил бўлади. Гипофизар нанизм учун тапаннинг алоҳида қисмлари пропорционал усилдан орқада қолади. Хондродисрофияда беморларнинг актив ривожланиши мутадил, терида ва жинсий безлар ривожланишида ўзгариш кузатилмайд. Беморларнинг ташқи кифасида характерли белгилар: боши катта, тана қисми ҳам йўтон, оёқ-қўллари қалта бўлади.

Даволаш. Гипотиреоз касаллигини даволашда тиреонид препаратлар билан «ўрин босувчи» терапия ўтказиш асосий даво усули бўлиб ҳисобланади. Тиреонид гормонининг қўйидаги препаратлари қўлланилади: тиреонидин, трийодтиронин, тироксин, тиреотом ва бошқалар.

Тиреонид гормонларининг дастлабки дозаси тиреонид этишмовчилиги даражасига, бемор ёшига ва бошқа йўлдош касалликларига татибор қилган ҳолда бузорилади. Кичик ва ўрта ёшдаги беморлар учун тиреонидин кунига 0,05 гр. дан бузорилади. Эутиреонид ҳолатига етгунича кунига 0,025 гр. дан қушилиб борилади. Кекса ёшдаги одамларга эса бу гормон препаратлари кичик дозадан бошланади.

Гудак ёшидаги болаларга тиреонидин уртача суткалик дозаси 0,045-0,06 гр дан бўлиб ҳар хафтада 0,01-0,015 гр дан қўпайтирилиб борилади. Тиреонидин каттарок ёшдаги болалар учун дозаси 0,03-0,04 гр. ни ташкил қилади.

Гипотиреонид комада венага 100 мкг дан трийодтиронин гидрохлорид ҳар 12 соатда ёки 25 мкг дан ҳар 4 соатда бузорилади, ректал ҳарорат кўтарилгандан кейин аста-секин пасайтирилади. Қолансга қарши 50-100 мг дан гидрокортизон ҳар 6-12 соатда қилинади.

ЙОД ЕТИШМОВЧИЛИГИ ҲОЛАТИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИ

Йод етишмовчилиги ҳолати ва касалликлари - ташқи муҳитда йод етишмовчилиги бўлган эндемик регионларда яшайдиган одамларда қалқонсимон без катталанишига айтилади. Агар I даражада қалқонсимон безнинг катталаниши болалар ва ўсирири ёшдаги болалар орасида 5%-дан катта ёшдаги одамлар орасида 30% дан юқори бўлса эндемик регион деб ҳисобланади.

Катта ёшдаги соғлом одамларда суткалик йодга эҳтиёж 180-280 мкг. Агар организмга сутка давомида 100 мкг дан кам миқдорда йод истеъмол қилинса аста секин қалқонсимон без компенсатор катталаниши намоён бўлади.

Агроф муҳитда йод етишмовчилигининг асосий оқибати зоб пайдо бўлишидир. Шу сабабдан ҳам шу пагтача йоддефицит регионларда фақат зоб ривожланади деган тушунча бор эди. Ҳозирги пайтда йод етишмаслиги оқибатида зобдан танқари инсон соғлиги учун хавф туғдирадиган ҳолатлар ривожланиши кўрсатилиб келинмоқда. 1983 йилда эндемик буюк ибораси «йоддефицит касалликлари» (ЙТК) ибораси билан алмаштирилиб қўлланилмоқда.

Кейинги пайтларда ЙТК-муаммоси бутун жаҳон медицинасининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки бу касаллик билан аҳолининг саломатлик ҳолати ва жамиятнинг интеллектуал даражаси аниқланади. Шу сабабдан ҳам 1990 йилда бутун жаҳон Соғлиқни Сақлаш асосидаги томоғидан йоддефицит билан боғлиқ бўлган касалликларни бартараф қилиш юзасидан резолюция қабул қилинган.

Аҳолининг моддий -иқтисодий шароитининг яхшиланиши, тиббиёт илмида ва амалий соғлиқни сақлаш тизимида юз берган мувофакиятлар эндемик зобнинг мамлакатимизда камайишига ва катор районларда тўлиқ бартараф қилинига эришилди. Лекин, кейинги пайтларда аҳолини йодланган туз билан таъминот сусайиши, ҳамда зобга (ЙТК) бўлган муаммага эътиборнинг камайиши яна эндемик зобнинг кўпайишига сабаб бўлди.

Бугун жаҳонда эндемик зоб кенг миқёсда тарқалган. Ҳозирги пайтда жаҳонда йоддефицит регионларда яшайдиган одамлар, яъни ЙТК га хавфи юқори бўлган одамлар сонинг I млрддан юқорини ташкил қилади. Тахминан уларнинг 200-300 млн. ида зоб, 5 млн. ида эндемик критинизм аниқланган. Бир млн. дан кўпроғида энгил исихомотор ўзгаришлар кайд қилинган. Ўзбекистонда ҳам кўпчилик ҳудудлар азалдан эндемик регион бўлиб ҳисобланиб келинади. Лекин, эндемик зоб кенг тарқалганига қарамадан одамларнинг саломатлигига кучли салбий таъсир кўрсатмаган. Бу ҳолат биринчи навбатда кўпчилик ҳудудларда йоддефицит даражаси нисбатан камроқ бўлганлиги билан асосланган. Шу сабабдан ҳам қалқонсимон безнинг энгил компенсатор катталаниши кузатилган ва кўпчилик болаларда қалқонсимон безнинг функционал ҳолати ўзгармаган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда эндемик зоб билан боғлиқ вазият салбий томонга ўзгарди. Эндемик регион ҳисобланган ҳудудларда қалқонсимон бу катталанишининг юқори даражаси болалар, хусусан ўсирилар орасида кўпайиб бормоқда. Тўғули зоб, қалқонсимон без раки, аутоиммунли тиреоидит каби касалликлар солмоғи аҳоли орасида йилдан йилга ошаб бормоқда.

Этиологияси. Асосий омили агроф муҳитда йод етишмаслиги (тузроқ, сув ва озик-овқат маҳсулотларида). Агар тузроқ ва сувда йод миқдори етарли бўлса эндемик зоб пайдо бўлмайди.

Йод етишмовчилиги ҳолати ва касалликлари келиб чиқишида оқсил ва витаминларга танқис бўлган озик-овқат маҳсулотларини узок муддатларда қабул қилиб юриш, инфекцион омиллар, интоксикация, моддий иқтисодий шароитнинг ёмонлашуви каби бошқа зобоген омиллар ҳам эндемик зоб келиб чиқишидаги аҳамиятини ҳозирги фан илмий асослаб берган.

10. Тугма гипотиреознинг клиник симптоматикаси:

- a) *Ич қотиш, метеоризм
 - b) Тери қуруқлиги, ран пардик
 - c) Гипотермия
 - d) Жисмоний ва ақлий ривожланган орқата қозни
11. *Тиреоксидин тиреодит клиникасига хос эмас:

- a) *Оғрик синдроми
- b) Лейкоцитоз
- c) Нейтрофилларнинг чагга силжиши
- d) ЭЧТ ошиши

12. *Тиреоксидин тиреодит диагнозини тасдиқламайди:

- a) *Оғрик
- b) Лейкоцитоз
- c) Тана ҳароратининг ошиши
- d) I^{131} ютилизациясини пасайиши ва қонда тиреодид гормонлар ошиши

13. Аутоиммун тиреодит даволашда қўлланилади:

- a) *Тиреодид препаратлар
- b) Инсулинотерапия
- c) Цитостатиклар
- d) Юрак гликозидлари

14. Тугунли эутиреодид буюқда қуйидаги шакл қўзғатибмайди:

- a) *Фолликуляр аденома
- b) Тугунли коллоид буюқ
- c) Диффуз токсик буюқ
- d) Солитар киста

15. Диффуз токсик буюқда учрайдиган қуз симптоми:

- a) Вольман симптоми
- b) *Жоффрау симптоми
- c) Бер симптоми
- d) Мари симптоми

ЎЗ – ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРДАН (РАСМЛИ ТЕСТЛАРДАН) НАМУНАЛАР



1. Расмда кўрсатилган ҳолат қайси касалликка ҳос?

- a) Аддисон касаллиги
- b) Иценко-Кушинг синдроми
- c) Иценко-Кушинг касаллиги
- d) *Грейвс касаллиги
- e) санаб ўтилганлардан ҳеч бири



Расмда қайси патология кўрсатилган?

- a) диабетик нейропатия
- b) болдир веналари варикоз кенгайиши
- c) диабетик ангиопатия
- d) *претибнал микседема
- e) санаб ўтилганлардан ҳеч бири



Расмда кўрсатилган ҳолатнинг дифференциал диагностикаси санаб ўтилганларнинг қайси бири билан ўтказилади?

- a) бактериал яллиғланиш билан
- b) ишемия билан
- c) аутоиммун яллиғланиш билан
- d) *санаб ўтилганларнинг барчаси билан
- e) санаб ўтилганларнинг ҳеч бири билан



4. Пациент қалқонсимон бези катталашганлигига шикоят қилади. Бошқа шикояти йўқ. Анамнезда пациентнинг тоғли жойда яшашини аниқланди. Дастлабки диагнозингиз:

- a) *эндемик буқок
- b) ўткир ости тиреоидит
- c) қалқонсимон без раки
- d) санаб ўтилганларнинг барчаси
- e) санаб ўтилганларнинг ҳеч бири

БОЛАЛАРДА ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИКЛАРИ МААВЗУСИГА МАСАЛАЛАР

МАСАЛА

Бемор 19 ёшда. Ҳисилан орқала қолиш, тана бўйлаб зич-эластик шишлар мавжудлиги, териси дағилланишлиги ва қуруқлигига, қабзиятга шикоят қилиб келди. Анамнездан гудаклигидан бери ўзини касал деб билди. Хотираси сустлиги, брадикардия аниқланади. Бўйи 130 см, вазни 42 кг. Сизини диагнозингиз ва даволаш тактикангиз.

1. Диагноз:
2. Даволаш тактикаси:

Жавоби

1. тугма гипотиреоз
2. тиреоид гормонлар (тиреостати, L-тироксин, трийодтиронин) билан уринбосар терапия ўтказиш, симптоматик даво.

МАСАЛА

1 ёшли ўғил бола. Хансиравига юрак уриб кетишига, қувватсизликка шикоят қилади. Бемор 5 йил мобайнида зўриқиб стенокардияси билан. Бўйи 176 см, оғирлиги 72кг. Териси яшил, нам, бармоқларида тирраш бор. Қалқонсимон безини ўнг бўлагига қаттиқ, оғриксиз, ҳаракатчан 3х3 см ҳажмли тугун пайпасланади. К/б = 130/70, пульс- 110 1 мин., ҳилшловчи аритмия, юрак тонлари сустлашган, ўнкаларининг настик қисмларида майда нам хириллашлар эшитилади. Жигар пайпасланмайди. Шишлар йўқ.

1. Қалқонсимон безини текшириш учун қандай инструментал текширишларни ўтказиш керак ва қандай натижалар кутилади?
2. Гипоталамо-гипофизар-тиреоид тизими гормонлари қандай миқдорда бўлади?
3. Позиклиникада, стационарда ихтисослашган марказда қандай текширувлар ўтказиш мумкин?
4. Таъхис.
5. Даволаш тактикаси.

МАСАЛА

15 ёшли қиз болада қалқонсимон бези катталашган, у ютинганда яхши кўринади. Пайпаслаганда юмшок-эластик консистенцияли, атрофдаги тўқималар билан бирикмаган, эркин ҳаракат қилади. Асабийланишга. Жаҳли тез чиқишига, баъзида юрак уриб кетиш хуружларига, озиб кетишга шикоят қилади. Ушбу ҳолатини стресс ҳодисалар билан боғлайди. Тери қопламлари бироз нам, айниқса бармоқ учларида кичик тремор бор. Интаҳаси ўзгармаган, аммо кучли хис-хаяжонда насаяди. Пульс 1 мин -118 марта, К/б 120/60 мм.см.уст, юрак тонлари аниқ. Ўнкада везикуляр нафас.

1. Қалқонсимон без фаолияти ўзгарганими? Иёбот қилиб беринг. (диффуз токсик буқок, тиреотоксикоз)

МАСАЛА

Бемор 32 ёшда, юрак тез уриши, яхши нитаха фоннда кескин озиб кетини, қўп терлаши шикоят қилади. Объектив текшириганда пульс 1 минутада 120 та, тана вазин етишимовчилиги 30%, II даражали экзофтальм аниқланади. Пальпацияда калконсимон без диффуз катталанган. Сизнинг диагнозингиз, Даволаш методларини айтинг.

1. диагноз - диффуз токсик буқок

2. даволаш методлари:

а) медикаментоз даво (анти tireoid препаратлар - мерказолия, метотирин, калий перхлорат ва бошқалар).

б) нур терапияси,

в) хирургик даво (струмэктомия).

АДАБИЁТЛАР:

Дистанцион ўқитиш тизими бўйича :

Модуль. 3. Заболевания системк крови и эндокринной системк у детей

1. Педиатрия. Учебник для студентов высших учебных мед. Заведений III-IV уровней аккредитации. 3-е издание. /В.Г.Майдавичи. Харьков. Фолио. 2002. – 1125 с.

2. Заболевания гипоталамической и парагипоталамической желез у детей. Заболевания гипоталамо-гипофизарной системы у детей. Заболевания половых желез у детей. <http://intjanet.idmu>

3. Шабалов Н.П. ДЖетские болезни. Учебник. 5-е издание. В двух томах. Т.1 СПб. Питер. 2005.-832 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Эндокринологиядан таиланган маърузалар Исмоилов С.И. 2005 Тошкент

2. Дедов И.И. Эндокринология, М., 2000 й

3. Болезни щитовидной железы Казьмин В.Д. 2002 Ростов на Дону, «Феникс»

4. Секреты эндокринологии Дермотт М. 2001Москва, «Медицина»

5. Сахарный диабет Уоткинс П.Х. 2000 Москва. «Медицина»

6. Функциональная и топическая диагностика в эндокринологии Шустов С.Б. Халимов Ю.Ш. 2001 – Москва. «Медицина»

7. Эндокринология Дедов И.И. и соавторы 2000 Москва, «Медицина»

8. Диабетическая гангрена нижних конечностей Каримов Ш.И. 2003 Ташкент. «Шарк»

9. Эндокринология фанидан маърузалар матни Хамраев Х.Т. 2009 Тошкент

10. Эндокринология фанидан ўқув – услубий кулланмалар 11 та, Хамраев Х.Т. ва муаллифдошлар. Тошкент 2009

Электрон вариантдаги дарсликлар

1. Эндокринология. В.И. Кандрор, изд. Москва, «Практика» 1999. 100 Мб 1 диск;

2.«Школа Диабета». М.Б. Анциферов. Москва. «Интел-Тек мультимедиа» 222 Мб 1диск

3. Эндокринология № 1 (ўзбек тилида) 1.67 Мб;

4. Эндокринология № 2 (ўзбек тилида) 5.11 Мб;

5. Эндокринные заболевания. Дедов И.И. № 1 (рус тилида). Москва 6.95 МБ;

6. Эндокринные заболевания. Дедов И.И. № 2 (рус тилида). Москва 8.46 МБ;

7. Электронная медицинская библиотека. Москва, издательский дом «Практика», Москва, 2000 год. 118 МБ;

8. Эндокринология фанидан кулланма, Исмоилов С.И. (ўзб. тилида) ;

9. Эндокринология фанидан сайланган маърузалар матни, Исмоилов С.И. (ўзб. тилида) Тошкент 16 МБ;

10. Эндокринология фанидан сайланган маърузалар матни, Исмоилов С.И. JPEG форматда (ўзб. тилида), Тошкент, 167 МБ;

11. Эндокринология, Дедов И.И., JPEG форматда (рус тилида), 239 Мб;

12. Энциклопедия здоровья Кирилла и Мефодия (рус тилида), Москва 32 МБ;

13. Медицинская энциклопедия, Москва 12,8 МБ;